

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**497** Юридик хизматларининг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, маълумотлар базасига киритиш учун маълумот тақдим этиш шакллари ва муддатларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2285*

(2011 йил 10 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги 244-сон «Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг ма-лакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 46-47-сон, 472-модда) асосан **буюраман:**

1. Юридик хизматларининг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, маълумотлар базасига киритиш учун маълумот тақдим этиш шакллари ва муддатларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси (М. Ишбеков) ҳамда Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (С. Нуриев) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўн кун муддат ичида барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Е. Канъязов зиммасига юклансин.

Вазир

Н. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 30 ноябрь,
255-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2011 йил 30 ноябрдаги
255-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Юридик хизматларининг маълумотлар базасини
шакллантириш ва юритиш, маълумотлар базасига киритиш
учун маълумот тақдим этиш шакллари ва муддатларини
белгилаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сон «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 35-36-сон, 355-модда) ва 2007 йил 22 ноябрдаги 244-сон «Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 46-47-сон, 472-модда) қарорларига асосан юридик хизматларининг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, маълумотлар базасига киритиш учун маълумот тақдим этиш шакллари ва муддатларини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги 244-сон қарори билан тасдиқланган Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга асосан давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органларининг, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг (бундан кейинги ўринларда ташкилотлар деб юритилади) юридик хизматлари ходимларининг ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (бундан кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади), Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (бундан кейинги ўринларда ҳудудий адлия органлари деб юритилади) томонидан юритилади.

2. Юридик хизматларининг маълумотлар базасини шакллантириш ва уни марказлаштирилган тартибда юритиш ташкилотларининг юридик хизматлари ва уларнинг ходимлари ҳисобга олинишини ва улар тўғрисидаги ахборотнинг тизимлаштирилишини ташкил этиш мақсадида амалга оширилади.

3. Вазирлик ва ҳудудий адлия органлари юридик хизматларининг маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сон «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан ташкилотлардан уларнинг юридик хизмати фаолиятига доир тегишли ҳужжатлар ва бошқа маълумотларни сўраб олиш ҳуқуқига эга.

II. Юридик хизматларининг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, маълумотлар базасига киритиш учун маълумот тақдим этиш

4. Юридик хизматларининг маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида Вазирликда юридик хизматларининг маълумотлар йиғма базаси, ҳудудий адлия органларида юридик хизматларининг маълумотлар ҳудудий базаси тузилади.

5. Юридик хизматларининг маълумотлар базаларини шакллантириш ва юритиш Вазирлик ва ҳудудий адлия органларининг юридик хизмат ходимларини аттестациядан ўтказиш бўйича комиссияларининг ишчи органлари томонидан амалга оширилади.

6. Юридик хизматларининг маълумотлар базалари давлат тилида, электрон кўринишда юритилади.

7. Юридик хизматларининг маълумотлар базалари йилнинг ҳар чорагида ташкилотлардан мазкур Низомнинг 3-бандига мувофиқ олинган маълумотлар асосида қайта кўриб чиқилиши ва янгиланиши лозим.

8. Юридик хизматларининг маълумотлар базаларини шакллантириш учун Вазирлик давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг марказий аппаратлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларидан, ҳудудий адлия органлари давлат бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларидан ҳар чорак тугагандан кейинги ойнинг 1-санасига қадар мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ маълумотларни олади ва тегишли равишда юридик хизматлар маълумотлари базасига киритади.

9. Ҳудудий адлия органлари юридик хизматларининг маълумотлар ҳудудий базасига киритилган маълумотларни ҳар чорак тугагандан кейинги ойнинг 5-санасига қадар юридик хизматларининг маълумотлар йиғма базасига киритиш учун мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган шаклда ва электрон кўринишда Вазирликка тақдим этади.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристарлар малакасини ошириш маркази ҳар чорак тугагандан кейинги ойнинг 5-санасига қадар Вазирликка юридик хизмат ходимларининг йиғма базасига киритиш учун ташкилотларнинг юридик хизматларининг малака оширишдан ўтган

ходимлари тўғрисидаги маълумотларни мазкур Низомнинг 2-илоvasида келтирилган шаклда ва электрон кўринишда тақдим этади.

III. Яқуний қоидалар

11. Юридик хизматларининг маълумотлар базаларини тўғри юритилиши учун жавобгарлик Вазирлик ва ҳудудий адлия органларининг юридик хизмат ходимларини аттестациядан ўтказиш бўйича комиссияларининг ишчи органлари зиммасига юклатилади.

12. Мазкур Низом талабларига риоя этилиши устидан назорат Вазирликнинг юридик хизмат ходимларини аттестациядан ўтказиш бўйича комиссиясининг ишчи органига юклатилади.

Юридик хизматларнинг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, маълумотлар базасига киритиш учун маълумот такдим этиш шакллари ва муддатларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Юридик хизматлар ходимлари ҳақида
МАЪЛУМОТ**

Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили ва жойи	Тамомлаган ўқув юрти ва вақти	Иш жойи кўрсатилган ҳолда лавозими	Иш жойи манзили	Хизмат телефони	Эгаллаб турган лавозимга қабул қилинган вақти	Юридик мутахассислик бўйича иш стажи	Юристар малакасини ошириш марказида малакасини оширган вақти	Аттестациядан ўтган вақти (гувоҳнома серияси ва рақами)	Аттестациядан ўтмаганлик сабаблари
1.											
2.											

Юридик хизматларининг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, маълумотлар базасига киритиш учун маълумот тақдим этиш шакллари ва муддатларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

497-модда

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш
марказида малака оширишдан ўтган юридик хизматлар ходимлари ҳақида
МАЪЛУМОТ**

Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Тугилган йили ва жойи	Иш жойи	Лавозими	Малака оширган вақти	Малака оширганлиги тўғрисида берилган сертификат серияси ва рақами
1.						
2.						

— 38 —